ALSKOM
SUG'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

100084, Qashi sh., Mustaqillik, 2 / г. Карши, ул. Мустақиллиқ, 2
tel/faks: (+998 75) 223-02-18, tel.: (+998 97) 229-45-11
URL: www.alskom.uz
e-mail: info@alskom.uz

247762

№SH 13/4-2/0155-СОНЛИ

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ХАВФЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА

СУҒУРТА ПОЛИСИ

2022 й. «12» сентябрдаги №SH 13/4-2/0155-сонли Шартномага

Суғурта жавобгарлиги даври	2022 й. «12» сентябрдан	2023 й. «11» сентябргача
Суғурта қилдирувчи	**DUK "QASHQADARYO VILOYAT UY-JOY KAMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH BOSHQARMASI HUZURIDAGI QASHQADARYO VILOYAT"**	
Суғурта объекти	Қарши тумани Узбекистон Мустакиллиги МФЙ худудида жойлашган 2-каватли 8-сонли турар жой биносининг том кисмини капитал таъмирлаш.	
Суғурта хавфлари	12-сентябр 2022 йилдаги №SH 13/4-2/0155-сонли Қурилиш-монтаж хавфларини суғурта килиш шартномасига 1-Иловадаги хавфлар	
Жами суғурта суммаси	**164 860 032 (Бир юз олтмиш турт миллион саккиз юз олтмиш минг уттиз икки) сўм**	
Франшиза	0 %	
Жами суғурта мукофоти	**527 553 (Беш юз йигирма етти минг беш юз эллик уч) сўм.**	
Суғурта копламаси худуди	Қашқадарё вилояти	

Суғурталовчи
Филиал директори
Р.Расулов

КОИДАЛАРДАН КЎЧИРМА
ЗАРАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА СУҒУРТА ТОВОНИ (ТАЪМИНОТИ)НИ ТЎЛАШ

1. Суғурта товони (таъминоти) Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаган тақдирдагина тўланади. Агар суғурта ҳодисаси юз берган пайтгача Суғурта қилдирувчи Шартномада белгиланган суғурта мукофотининг бир қисминигина тўлаган бўлса, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи суғурта суммаси миқдорини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда чеклайди.

2. Суғурта тўлови миқдори Суғурталовчи томонидан, Суғурта шартномасида келишилган франшизани ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Агар битта суғурта ҳодисаси билан бир нечта зарар кўрилган бўлса, франшиза фақат бир марта чегириб қолинади.

3. Суғурта товонини тўлаш учун асос бўлиб, Суғурта қилдирувчининг суғурта қилинган объектга зарар етказилгани тўғрисидаги аризаси, Суғурталовчининг вакили томонидан тузилган кўздан кечириш далолатномаси, шунингдек ваколатли органлар (Гидрометеорология, Ёнғин хавфсизлиги, ФВВ, ИИВ, тергов органлари, суд ва бошқ.)нинг ҳужжатлари ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ариза билан бир қаторда, зарар сабаблари ва миқдорини тасдиқловчи барча ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

4. Томонларнинг ҳар бири мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилишга ҳақли, бунда экспертиза харажатлари уни ўтказиш ташаббусчиси бўлган Томон ҳисобидан қопланади. Экспертиза ўтказилганидан сўнг, суғурта ҳодисаси деб тан олинмаган ҳолатлар бўйича экспертиза харажатлари Суғурта қилдирувчи зиммасига юклатилдади.

5. Зарар қуйидагича аниқланади:

5.1. мол-мулк ўғирланганда (йўқолганда) – унинг Полис бўйича суғурта суммаси миқдорида;

5.2. мол-мулк нобуд бўлганда – келгуси фойдаланиш учун яроқли бўлган мавжуд қолдиқларнинг қийматини чегирган ҳолда унинг суғурта суммаси миқдорида;

5.3. суғурталанган объект шикастланганда – уни тиклаш харажатлари миқдорида.

6. Тиклаш харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

6.1. мол-мулкни тиклаш учун зарур материаллар ва эҳтиёт қисмларга харажатлар. Тиклаш харажатлари тиклаш (таъмирлаш) жараёнида алмаштириладиган материаллар ва эҳтиёт қисмларнинг эскириш даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, хусусан:

агар мол-мулкнинг эскириши 30% дан ортиқ бўлса, мол-мулкни тиклаш харажатларидан таъмирлаш жараёнида алмаштириладиган алоҳида қисмлар (деталлар, элементлар ва ҳ.к.)нинг қолдиқ қиймати чегириб ташланади;

6.2. тиклаш ишлари учун ҳақ тўлаш харажатлари;

6.3. суғурта ҳодисасидан сўнг ҳудудни тозалаш харажатлари, аммо суғурта суммасининг икки фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида.

7. Тиклаш учун харажатларига қуйидагилар кирмайди:

7.1. суғурталанган объектни ўзгартириш ва (ёки) яхшилаш билан боғлиқ харажатлар;

7.2. вақтинчалик (ёрдамчи) таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар.

8. Агар Суғурта қилдирувчининг мол-мулки тўлиқ қиймати бўйича суғурталанмаган бўлса, ёки суғурта ҳодисаси юз берган пайтда Шартнома бўйича суғурта суммаси шикастланган мол-мулкнинг суғурта қийматидан кам бўлиб чиқса, Суғурталовчи зарарни суғурта суммасининг мол-мулк суғурта (ҳақиқий) қиймати нисбатига мутаносиб равишда, қуйидаги формула бўйича ҳисоблайди:

СТ = ((ҲЗ * СС) / ҲҚ)– Ф, бу ерда

СТ – тўланиши лозим бўлган суғурта товони;

СС – Полис бўйича суғурта суммаси;

ҲҚ – мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати;

ҲЗ – қопланаётган заранинг ҳақиқий миқдори;

Ф – франшиза (ўрнатилмаган тақдирда 0 га тенг).

Бунда суғурта суғурта суммаларининг мол-мулк суғурта қиймати билан мувофиқлиги ҳар бир суғурта қилинган объект бўйича алоҳида аниқланади.

9. Барча суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товони (таъминоти) Шартномада белгиланган суғурта суммасидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Суғурта товони (таъминоти) тўланганидан сўнг тегишли суғурта объекти бўйича суғурта суммаси тўланган суғурта товони миқдорига камайтирилади. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотининг тегишли қисмини қайта тўлаб, суғурта суммасини тўлиқ ҳажмда тиклаши мумкин. Агар Шартномага суғурта суммасининг миқдорлари қисмида ўзгартиришлар киритилган бўлса, Суғурталовчи охирги ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда зарарни қоплашни амалга оширади.

10. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи)нинг мол-мулки ўғирланган (йўқотилган)да ёки тўлиқ конструктив нобуд бўлганда, суғурта товони Полиснинг амал қилиш даврида мулкнинг эскиришини чегирган ҳолда, мол-мулкнинг суғурта суммаси миқдорида, бироқ суғурта ҳодисаси юз берган вақтдаги суғурта қийматидан ошиб кетмаган миқдорда тўлаб берилади.

11. Тўлиқ конструктив нобуд бўлиш деганда, қайта тиклаш таъмирининг қиймати Суғурта қилдирувчи мулкининг суғурта қийматининг 80% идан кўпини ташкил қилган ҳолатлар тушунилади. Баъзи бир истисно ҳолатлардагина Суғурталовчининг қарори билан ушбу фоиз пасайтирилиши мумкин.

12. Суғурталанган мол-мулк тўлиқ нобуд бўлганда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади ва Суғурта қилдирувчи мулкнинг қолган қисмларини Суғурталовчи ихтиёрига беради.

13. Суғурталанган мол-мулк ўғирланган (йўқолган) ёки конструктив жиҳатдан тўлиқ нобуд бўлган ҳолда суғурта товони тўланганда Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) мол-млукка бўлган ўз ҳуқуқларидан Суғурталовчининг фойдасига воз кечади (Абандон). Бунинг учун Суғурта қилдирувчи ушбу мол-мулк Суғурталовчига мулк ҳуқуқида ўтганини тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни топшириши шарт.

14. ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ хавфи бўйича суғурта ҳодисаси юз берган ҳолда суғурта товонини олиш учун Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- белгиланган шаклдаги ариза;
- Суғурта қилдирувчи томонидан тасдиқланган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома;
- белгиланган шаклда тузилган, суғурта ҳодисасининг юз бериш ҳолатларини тасдиқловчи, юз берган ҳодиса хусусиятига қараб, ваколатли органлар (ИИВ, Ёнғин назорати, ГММ, суд ва ҳ.к.)нинг мансабдор шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар;
- кўрилган зарар миқдори тўғрисида маълумотлар ифодаланган ҳужжатлар (экспертларнинг хулосалари, суд органларининг қарорлари ва ҳ.к.), шунингдек амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи маълумотнома, ҳисобварақа ва бошқа ҳужжатлар;
- суғурта ҳодисаси юз берган санани тасдиқловчи тиббий ҳужжатлар (касаллик варақаси нусхаси, даволаниш муддати тўғрисида маълумотнома, ТМЭК хулосаси нусхаси, ўлим тўғрисида гувоҳнома нусхаси);
- суғурта ҳодисаси сабаблари ва хусусиятини аниқлаш учун зарур бошқа ҳужжатлар;
- жабрланувчининг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- суғурта суммасини олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва зарур ҳолларда, мерос олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.

15. Суғурта ҳодисаси натижасида учинчи шахс вафот этганда, суғурта товони Шартномада белгиланган учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолат бўйича жавобгарлик лимитининг тўлиқ миқдорида тўланади.

16. Суғурта ҳодисаси натижасида учинчи шахсга ногиронлик белгиланган тақдирда, суғурта товони ҳар бир хавф гуруҳи бўйича Шартномада белгиланган жавобгарлик лимитига нисбатан қуйидаги миқдорларда тўланади: I гуруҳ учун - 80%, II гуруҳ учун - 60%.

17. Суғурта ҳодисаси натижасида учинчи шахснинг вақтинчалик (10 тақвим кунидан ортиқ муддатга) меҳнатга лаёқатсизлиги вужудга келган бўлса, суғурта товони меҳнатга лаёқатсизликнинг ҳар бир куни учун, Шартнома бўйича жавобгарлик лимитининг 0,8% миқдорида, аммо 60 тақвим кунидан ортиқ бўлмаган муддат учун тўланади.

Учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ҳодисаси бўйича суғурта таъминотининг аниқ миқдорлари алоҳида суғурта Шартномасида белгиланадаи.

18. Суғурта товони (таъминоти)ни тўлаш 15 (ўн беш) банк куни давомида амалга оширилади, ҳукумат кафолати остидаги давлат маблағлари ва кредитлари ҳисобидан қуриладиган объектларни қурилиш хавфларини мажбурий суғурта қилиш бўйича эса, суғурта ҳодисаси факти аниқланганидан, суғурта далолатномаси тузилиб, ушуб факт Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланганидан ва тегишли ҳужжатлар асосида товон пули (таъминот) миқдори белгиланганидан сўнг 5 (беш) банк куни давомида амалга оширилади.

19. Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига нисбатан суғурта товони билан боғлиқ даъволарни билдириш ҳуқуқи амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган даъво муддатига мувофиқ тугатилади.